

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ
ДАВЛАТ МУЗЕЙИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТУЗИЛМАСИДАГИ
ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ**

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

ХОТИРА КИТОБИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

**«MATRIX»
ТОШКЕНТ
2025**

УЎК: 32.019.5(575.12)(092)

66.3(5Ў-4Фар)

Қ 28

Қатағон қурбонлари. Хотира китоби. Фарғона вилояти / Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи. «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди. - Тошкент: «MATRIX» нашриёти, 2025. - 224 б.

КБК 66.3(5Ў-4Фар)

Тахрир ҳайъати:

Профессор Б.В.Хасанов (раис), академик Н.Ф.Каримов, профессор Д.А.Алимова, профессор Д.Х.Зиёева, профессор Ж.Х.Исмоилова, профессор РТ.Шамсутдинов, профессор Х.Э.Юнусова, профессор З.РИшонходжаева, доцент А.Р.Кудияров, М.Ф.Зикруллаев, Б.Ирзаев, доцент М.А.Дармонова, Ю.Х.Ашуров, Д.Ф.Файзуллаев, М.Б.Алижонов, Б.А.Муратов, Ю.Ж.Сафаров.

Тузувчилар:

Т.ф.д., проф. Б.В. Хасанов, б.ф.н., проф.в.б. С.М.Сидиқов, т.ф.д., проф. Б.А.Усмонов, т.ф.ф.д., доц. Н.А.Алимова, т.ф.ф.д. М.Б. Алижонов, т.ф.н. Ш.Қамбарова, т.ф.ф.д. Р.Ҳ.Акбаров, т.ф.ф.д., п.ф.ф.д., доц.в.б. С.А.Махмудова, У.И.Артиков, Н.Р.Сайдахмедова.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5598-сон фармойиши ҳамда 2024 йил 19 июл санали “Сиёсий қатағон қурбонлари бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги ПҚ-270-сон қарори асосида Россия империяси мустамлакачилиги даврида шунингдек, совет тузumi йилларида Ватанимиз озодлиги йўлида курашган, миллатни эрк ва хуррият учун курашга даъват этган, бироқ, ҳукмрон Чор империяси даврида жазога тортилган ҳамда мустабид шўро тузumi томонидан “халқ душмани” бўлганликда айбланиб, отилган, совуқ ўлкаларга сургунга юборилган, ноҳақ қатағонга учраган азиз ватандошларимиз номларини абадийлаштириш мақсадида нашр этилди.

ISBN 978-9910-8184-9-3

© Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи. 2025.


© «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди. 2025.

© «Matrix» нашриёти. 2025.



МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР	9
ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИДА ҚАТНАШГАНИ УЧУН ЖАЗОЛАНГАНЛАР (1860–1916 ЙИЛЛАР).....	11
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ КУРАШ ҚУРБОНЛАРИ (1917–1924 ЙИЛЛАР)	69
ТУРЛИ СИЁСИЙ АЙБЛОВЛАР ВА “ҚУЛОҚ”ЛАШТИРИШ ҚУРБОНЛАРИ (1925–1936 ЙИЛЛАР)	77
“КАТТА ҚИРҒИН” ҚУРБОНЛАРИ (1937–1938 ЙИЛЛАР)	105
1940–1950 ЙИЛЛАР ҚАТАҒОНЛАРИ	193
“ПАХТА ИШИ” ҚУРБОНЛАРИ	197



КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ҳозирги даврда ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаётида янгиланиш жараёнлари жадал давом этмоқда. Республикамиз ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида янги-янги ютуқларга эришмоқда. Буни нафақат ушбу жараённинг бевосита иштирокчилари бўлган, юртимиз равнақи йўлида ўз куч ва салоҳиятини ишга солиб, фидокорона меҳнат қилаётган ватандошларимиз, балки қатор хорижий мамлакатларнинг раҳбарлари, сиёсат ва давлат арбоблари ҳам эътироф этмоқдалар.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, мамлакат равнақини таъминлашда миллий ғоя ҳамда унинг тамал тоши бўлган тарих илмининг ўрни ва аҳамияти бениҳоят каттадир. Тарих – бу халқнинг тирик хотираси, мозийнинг шоҳиди, халқимиз эришган ютуқлар ва унинг бошига тушган кулфатларнинг гувоҳидир. Тарих саҳифаларини varaқлар эканмиз, ўтмишда рўй берган воқеалар бирин-кетин кўз ўнгимизда гавдаланади. Биз аجدодларимизнинг бунёдкорлик ишларидан фахрланамиз, уларнинг бошига тушган кулфатлардан маҳзун бўламиз, йўл қўйган хатоларидан сабоқ оламиз.

Аждодларимиз 130 йил давомида Россия империяси мустамлакачилиги ва мустабид совет режими шароитида умр кечирди. Бу даврда ота-боболаримиз кўп машаққатли ҳаёт синовларини бошдан кечирдилар. Бу синовларнинг энг оғири ва даҳшатлиси оммавий қатағонлар бўлди. Ватан озодлиги ва мустақиллигини орзу қилган, шу мақсадни рўёбга чиқариш учун кураш олиб борган минглаб ватандошларимиз мустабид тузум ишга солган қатағон машинасининг қурбони бўлдилар, ўз она юртидан қувилиб, ўзга ҳудудларга сургун қилиндилар, ГУЛАГ лагерларига ташландилар. Минглаб бегуноҳ юртдошларимиз қатл этилиб, бежаноза ва бекафан қўмиб ташланди.




Мустамлакачилар XIX асрнинг 2-ярмидан ота мерос юртини химоя қилган ватанпарварларни қатағон қилишни Россия империяси истило-сининг дастлабки кунлариданоқ бошлаган эдилар. Рус ҳарбий тарих-чилари А.Терентев, М.Иванин, З.Кастелская ва бошқалар Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларни батамом вайрон этиб, минглаб бегуноҳ оддий одамлар қонини дарё қилиб оқизган генераллар Черняев, Скобелев, Ку-ропаткин, Наливкин, Ивановларни қаттиқ қоралашган. “Черняев ашад-дий шовинист эди. Унинг назарида, Қўқон хонлигида яшаган ўзбеклар, қирғизлар, қипчоқлар ва бошқа халқлар фақат тўн (чопон) кийганли-клари учунгина қириб ташлашга лойиқ”, – деб ёзади тарихчи Кастелская. “Скобелев Ивановни зуғумга олгач, – деб ёзади В. Наливкин, – у қўл остида-ги аскарларини ҳужумга бошлаб, эмизикли болаларгача чопиб ташлади”.

Эрк ва озодлик йўлида мустамлакачиларга қарши қўзғолон кўтар-ган қуролсиз халқни чор маъмурлари, амалдорлари, бераҳм зобит ва аскарлари айнан шундай беаёв жазоладилар. Жумладан, Қўқон хонли-гида бошланиб кетган халқ қўзғолони йўлбошчиси Мулло Исҳоқ Мулло Ҳасан ўғли (Пўлатхон) 1876 йил 1 мартда Марғилон шаҳрида дорга осил-ди. У билан бирга эрк, озодлик ва мустақиллик учун курашган 33 нафар сафдоши ҳам қатл этилди.

Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилганидан сўнг Туркистон ўлкаси тўлиқ Россия империяси ҳарбий маъмурлари томонидан бошқа-рилди. Маҳаллий аҳоли ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум этилди, унинг миллий маданияти ва диний қадриятлари оёқости қилинди. Россия империяси-нинг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати туфайли маҳаллий аҳоли-нинг ерлари қисман тортиб олиниб, рус деҳқонларига берилди. Булар-нинг ҳаммаси Туркистон халқининг Россия империясининг мустамла-качилик зулмига қарши миллий озодлик ҳаракатининг бошланишига туртки бўлди. 1892 йилда Тошкентда рўй берган “Вабо исёни”, Андижон-даги Дукчи эшон қўзғолони, 1916 йилдаги халқ қўзғолонлари бунинг ёрқин мисолидир. Бунга жавобан мустамлакачи маъмурлар қўзғолон иштирокчиларини шафқатсизларча жазоладилар, қўзғолон раҳбарлари қатл этилди, юзлаб ватанпарварлар Сибирга сургун қилинди.

1917 йилдаги Октябрь тўнтаришидан кейин ҳам совет давлати бун-дай сиёсатни давом эттирди. Янги ҳокимият Туркистон халқининг ўз



миллий давлатчилигини барпо этиш мақсадида ташкил этган Туркистон Мухториятини қонга ботирди. Мухториятнинг бостирилиши туб жойли аҳолига нисбатан қатағон сиёсатининг янги тўлқинини бошлаб берди. Натижада халқ кўлга қурол олиб, юрт озодлиги ва мустақиллиги учун кураш бошлади. Узоқ йиллар давом этган ҳаёт ва мамот учун олиб борилган кураш жараёнида халқ орасидан кўплаб жасур саркардалар – кўрбошилар етишиб чиқдилар. Улар орасида Фарғона водийсида Катта Эргаш, Муҳаммад Аминбек (Мадаминбек), Шермуҳаммадбек, Омон Паҳлавон, Жонибек Қози, Маҳкам Ҳожи, Исроилбек, Аҳмад Полвон, Раҳмонқули, Ислон Паҳлавон ва бошқалар бўлганлар. Совет даврида “босмачилик ҳаракати” деб аталган ушбу озодлик кураши юқорида номлари санаб ўтилган йўлбошчилар ва қатнашчиларни ҳам кейинчалик сиёсий қатағон домига тортди.

Эслатиб ўтиш жоизки, оммавий қатағонлар қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш йилларида янада авж олдирилди. Совет давлати “кулоқлаштириш” сиёсатини амалга ошириб, оқибатда қишлоқдаги энг тадбиркор, эпчил, ўзига тўқ, мустақил иш кўрувчи, хўжалик юритувчи, ўзига тинч ўрта ҳол деҳқонларнинг мол-мулкани тортиб олди ва уларни оила аъзолари билан бирга Россиянинг олис ўлкаларига сургун қилди.

Айниқса, “Катта қирғин” йилларида кўп одамлар қатағон қилинди. А.Икромов, Ф.Хўжаев, бошқа давлат ва партия арбоблари, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Элбек, Боту каби ижодкорлар айнан шу пайтда ҳаёт билан видолашдилар. 1937–1938 йилларда Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг “Учлик”лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ одам судланди, улардан 6 минг 920 киши отиб ташланди. Ушбу йилларда жами 61 минг 799 киши қамоққа олиниб, улардан 56 минг 112 киши турли муддатга озодликдан маҳрум қилинди, 7 минг 100 киши олий жазога ҳукм этилди.

Ўзбекистонда XX асрнинг 20–30 йилларида уламолар, руҳонийлар ва диндорларни таъқиб қилиш кучайди. 1929 йилда Шохимардонда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўлдирилиши муносабати билан Бухоро ва Фарғона вилоятларининг қатор шаҳар ва туманларида шоир ўлимига алоқадорликда айбланган бир гуруҳ уламо ва муллалар отиб ташланди.



Фуқароларнинг виждон эркинлиги тўғрисидаги конституциявий ҳуқуқи поймол қилиниб, руҳонийларга тазйиқ ўтказиш кучайди, кўп масжид ва мадрасалар ёпилди, ё вайрон этилди.


XX асрнинг 40–50 йилларида ҳам юртимизда бегуноҳ одамларни жазолаш сиёсати давом этди. Бу даврда кўпроқ зиёлилар – ёзувчи ва олимлар, врачлар, фан ва маданият арбоблари таъқиб қилинди ва қамоқхоналарга юборилди.

Совет тузумининг сўнгги палласида “Пахта иши” ниқоби остида оммавий қатағонларнинг янги тўлқини бошланди. Тухмат ва бўҳтон туфайли минглаб мансабдор шахслар, колхоз раислари ва оддий бригадир ва колхозчилар жазога тортилди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин халқимиз ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имкониятига эга бўлди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан Россия империяси мустамлакачилиги ва совет даврида қатағон қилинган ватандошларимиз оқландилар. Тарихий ҳақиқат қарор топди.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг халқимиз озодлиги учун ўз жонини фидо қилган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштириш, номларни аниқлаш ва бегуноҳларини оқлаш ишларини давом эттириши ана шу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Бу борада Президентнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5598-сонли Фармони ҳамда 2024 йил 19 июлдаги “Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПҚ-270-сон қарори мустақиллик нақадар катта қурбонлар эвазига қўлга киритилганлигини, бугунги доруламон ҳаётимизнинг қадрига етиш зарурлигини янада чуқур англашга хизмат қилади.

Қатағон қурбони бўлган юртдошларимизнинг авлодлари, яқинлари, шунингдек, ўша давр тарихини яхши биладиган кишиларнинг хотираларини ёзиб олиш, шахсий архив ва кутубхоналарда сақланаётган материаллар (суратлар, хатлар, ҳужжатлар, хотира ва эсдаликлар, шахсий



буюмлар ва ҳоказолар)ни тўплаш, уларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали юрт озодлиги йўлида шаҳид кетган аждодларимиз хотирасини келажак авлодга етказиш шарафли ишдир. Зеро, Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидлаганидек: “Аждодларимизнинг ватан тинчлиги ва озодлиги йўлида кураши бугунги кун ёшлари учун ибрат мактабидир”.

Шундай қилиб, Россия империяси ва совет давлати Туркистонда ҳукмронлик қилиш мақсадида маҳаллий халқнинг эрк ва озодлик учун олиб борган курашини шафқатсизлик билан бостирди, бу курашда иштирок этган шахслар ва ўзгача фикрлайдиган кишиларни қатағон қилди. Бундай сиёсат жараёнида нафақат озодлик кураш қатнашчилари, балки минглаб бегуноҳ одамлар ҳам қатағон қилинди. Аммо, халқимизнинг юраги ва онгида мустақилликка эришиш орзуси асло сўнмади.

Эл-юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган кўрашларни ҳаққоний ва тўлақонли акс эттириш, мустабид тузум давридаги оммавий қатағонлар туфайли қурбон бўлган инсонийлик шаъни, кадр-қиммати топталган ватандошларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги 936-сонли қарорига асосан 13 та вилоятдаги олий ўқув юртлари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейлари ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур китобда архив ҳужжатлари асосида турли даврларда қатағон қилинган фарғоналик ватандошларнинг исми-шарифлари тикланмоқда. Ушбу савобли иш уларнинг руҳини шод қилиш баробарида Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган инсонларнинг хотирасини абадийлаштириш ва ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтиришга катта хизмат қилиши шубҳасиздир.


Фарғона вилояти бўйича “Қатағон қурбонлари” Хотира китобининг 1-жилдига 1783 нафар қатағон сиёсати жабрдийдалари ҳақида мухтасар маълумотлар киритилди. Бу соҳада илмий изланишлар, ўрганишлар давом эттирилмоқда.


Б.ф.н., проф. В.б. С.М.Сидиқов
Фарғона давлат университети тузилмасидаги
Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори



ҚИСКАРТМА СЎЗЛАР


ЖК	–	Уголовный кодекс	Жиноят кодекси
ИИВ	–	Министерства внутренних дел	Ички ишлар вазирлиги
МТЛ	–	Меҳнат тузатиш лагери	
НКВД	–	Народный комиссариат внутренних дел	Ички ишлар халқ комиссарлиги
ОГПУ	–	Объединённое государственное политическое управление	Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси
РСФСР	–	Российская Советская Федеративная Социалистическая Республика	Россия Совет Социалистик Федератив Республикаси
СССР	–	Союз Советских Социалистических Республик	Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи
ЎзССР	–	Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси	
УНКВД	–	Управление Народного комиссариата внутренних дел	Ички ишлар халқ комиссарлиги бошқармаси





**ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИДА
ҚАТНАШГАНИ УЧУН
ЖАЗОЛАНГАНЛАР**

(1860–1916 йиллар)



А

АББОСОВ Қодирқул – 1898 йилда Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

АБДУКАРИМОВ Ёқуб – 1868 йилда Марғилон уезди Тошлоқ қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУКАРИМОВ Кенжа – 1893 йилда Марғилон уезди Ёзёвон волости Шаҳартепа қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУКАРИМОВ Ўрмон – 1875 йилда Марғилон уезди Ёзёвон волости Шаҳартепа қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУҚАҲҲОРОВ Абдуғофур – Қўқон шаҳрида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

АБДУҚАҲҲОРОВ Абдунаби – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1916 йилда 2 йил 6 ойга сургун қилинган.

АБДУҚАЮМ Муҳаммад Иброҳимсўфи ўғли – 1867 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

АБДУҚАЮМОВ Абдурахмон – 1854 йилда Марғилон уезди Тошлоқ волости Яккатут қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУҚАЮМОВ Мўмин – 1873 йилда Марғилон уезди Тошлоқ волости Яккатут қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолон қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУҚОДИРХОДЖИЕВ Эргаш – 1916 йил қўзғолон қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



АБДУҚОДИРХЎЖАЕВ мулла **Жалол Хўжа** – 1878 йилда Қўқон уезди Риштон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолон қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУҚОСИМОВ Ҳайитбой – 1863 йилда Марғилон уезди Тошлоқ волости Яккатут қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУЛЛА Сотволди ўғли – 1876 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

АБДУЛФАЙЗИЕВ Уста Полвон – 1873 йилда Марғилон уезди Тошлоқ Яккатут қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУМАТОЛИПОВ Мўминжон – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

АБДУПАИМОВ Абдурахмон – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.


АБДУРАЗЗАҚОВ Абдуазиз – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАИМБОВЕВ Марасул – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАИМОВ Абдурасул – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАИМОВ Марайм – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАИМОВ мулла Қушкаби – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



АБДУРАСУЛОВ Марасул – Кўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАСУЛОВ уста Муҳаммадсодиқ – туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАУПОВ Абдувоҳид – 1860 йилда Марғилон уезди Тошлоқ волости Яккатут қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАХМОНОВ Махмуд Али – 1860 йилда Ёзёвон беклигида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАХМОНХЎЖАЕВ Турсунбой – Кўқон уезди Қорақўча қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАХМОНХЎЖАЕВ Усмон Хўжа – Кўқон уезди Бўстон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 4 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАШИД – Кўқон шаҳрида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУСАТТОР Мирзараим ўғли – Кўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1898 йил Андижон кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

АБДУСАТТОРОВ Анорқул – Кўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУХОЛИҚОВ Турсунқул – Кўқон уезди Бўстон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 4 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУҲАКИМОВ Абдухалил Олимхўжа – 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



АКИМБЕКОВ Боғишбек – 1870 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

АКИМБЕКОВ Давлат – 1868 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

АКИМБЕКОВ Мурод – 1866 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

АКИМБОЕВ Мағози – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АЛИЕВ Камолиддин мулла – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

АЛИЕВ Назар Тўлакбой – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 4 йилга сургун қилинган.

АЛИБЕК Дотхо – 1836 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

АЛИҚУЛ Абдулла ўғли – 1872 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.


АЛИМАТОВ ЗОКИР – 1888 йилда туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 2 йил 6 ойга сургун қилинган.

АЛИМБОЕВ Қўзибой – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АЛИМБОЕВ Обидбой – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АЛИМБОЕВ Умурзақ – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АЛИХЎЖАЕВ Муҳаммаджон Хўжа – Қўқон уезди Ингичка қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



АМОЗИЕВ Абдулқосим – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АНДАШЕВ Сори – 1894 йилда Фарғона вилояти туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

АНОРҚУЛОВ Худойқул – 1871 йилда туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1916 йил 12 йилга сургун қилинган.

АРАББОЕВ Суярқул Араббоев – Марғилон уезди Ёзёвон Қўшариқ қишлоғида туғилган. Эшон бўлган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

АРАБИЕВ Карабой – 1876 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

АРКЕНАКАЕВ Тешабой – 1893 йилда Ёзёвон тумани Шаҳартепа қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АРСИЕВ Тулли Абдулла – 1872 йилда туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1916 йил 2 йил 6 ойга сургун қилинган.

АСРАНҚУЛОВ Юсуф – 1866 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

АТАМБОЕВ Хожабек – 1855 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

АУЛБЕКОВ Қурбонбек – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

АУШКИЕВ мулла Тошбой – Қўқон уезди Катта Ганджирован қишлоғида туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

АХМАДАЛИЕВ Махмуд Али – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



АХМАДАЛИХОДЖИЕВ Хайдарали қори – 1873 йилга Марғилон уезди Ёзёвон волости Шаҳартепа қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АХМЕДОВ Мирза Маҳмуд – 1898 йил Андижон кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АХМЕДОВ Тохир – туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1916 йил 2 йил 6 ойга сургун қилинган.

АХМАДБОВЕВ Аҳмадали – 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АШУРМАТОВ Рўзимат – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АЮПОВ Бўрибой – 1898 йил Андижон кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 15 йилга сургун қилинган.

Б

БЕГАЛИ Абдулла ўғли – 1872 йилда туғилган. 1898 йил Андижон кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.


БЕЙНАЗАРОВ Мамадали – Қўқон шаҳар Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БЕКИЕВ мулла Асан – 1866 йилда туғилган. 1898 йил Андижон кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

БЕКМИРЗАЕВ Умматали – 1875 йилда туғилган. 1898 йил Андижон кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

БЕКОВ Багиш Уммат Али Бек – 1872 йилда туғилган. 1898 йил Андижон кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

БЕРДИЕВ Исмакул – 1898 йил Андижон кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.



БЕРДИЕВ мулла Исматулла Қодир – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

БЕРДИБЕКОВ Уста Аширбой – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 йилга сургун қилинган.

БЕШКАМПИРОВ Моки – 1873 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

БЕШКАМПИРОВ Тўрабой – 1876 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

БАДАЛИЕВ АВАЗ Тошбой Хожи – Қўқон уезди Бўстон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БАЙМЕНОВ Хаким – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БАКАЕВ Иброҳим – 1871 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

БАКИШЕВ Нурбой – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

БАҚҚОЛОВ Эгамберди Боқихўжа – 1875 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

БАНСАЛОВ Сасик Қул – 1869 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

БИЙМИРЗА Раимбий ўғли – 1865 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

БИКИЕВ Девон – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

БИШКАМПИРОВ Умар – 1894 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.



БОБОРАИМ Шомирза ўғли – 1851 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

БОБОРАИМОВ Мирзакарим – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОСАИДОВ Мирхолбой – Риштон волости Юқори Риштон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОСАИДОВ Мирхолиқ – 1856 йилда Риштон Қошқайрон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОСАЛИЕВ Муҳаммад – Қўқон уезди Бешкапа қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОХАЙТБОЕВ Раим – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОЙБЎСАЕВ Охунжон – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.


БОЙМУҲАММАД Алимбеков – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

БОЛТАБОЙ Холхўжа ўғли – 1871 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

БОЛТАХЎЖАЕВ Мирзакарим – 1876 йилда Марғилон уезди Тошлоқ Яккатут қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолон иштирокчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОТИРБОЕВ Қобилбой – Риштон волости Риштон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БУКИЕВ Мамбетали – 1870 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.



БУЛАТОВ Бақайбек – 1846 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Сибирга сургун қилинган.

БЎТАҚОРАЕВ Исмоил – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

БУЧАМБАЕВ Хожамберди – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 8 йилга сургун қилинган.

БУЧАНИЕВ мулла Субхонқул – 1879 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

В

ВАЙСИАКАЕВ Хожамберди – 1869 йилда Марғилон уезди Тошлоқ Яккатут қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Г

ГАДИКОВ Кула (Кулеке) – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ГАЙНАБОВЕВ Боботой – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

ГАЛЧАКОВ Ғоибназар – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

ГАЛЧИЕВ Дивана – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ГАЮБОВ Ахмет – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ГАЮБОВ Тоғай – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.



Д

ДЕХҚОНБОВ мулла Исоқ – Қўқон уезди Бешариқ қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ДАВЛАТОВ Худойберди (Утчибой) – 1881 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ДАДАБОВ Аманбой – Қўқон уезди Бўстон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ДАДАБОВ Муҳаммаджон – 1854 йилда Марғилон уезди Тошлоқ волости Яккатут қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ДАДАБОВ Турсунбой – 1886 йилда Марғилон уезди Тошлоқ волости Яккатут қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ДОВУТБЕКОВ Норимбек – Қўқон уезди Қорақалтак қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.


ДОИРБЕКОВ Ёрқинбой – 1858 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

ДЎСМАНОВ Тоштемир – Қўқон шаҳар Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ДЎСМАТОВ Мирзақул – Қўқон шаҳар Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Ё

ЁҚУБЖОНХЎЖАЕВ Холматхўжа – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.



ЁКУБОВ Уста Олимхўжа – 1916 йил қўзғолони иштирокчиси сифатида айбланган. 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЁКУБХЎЖАЕВ Абдувайт – Қўқон шаҳрида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1916 йил 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЁРҚИНБОЕВ Мурзабой – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ЁРҚИНБОЕВ Саурат – 1891 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

ЁРМУҲАММЕДОВ Қамариддин – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Ж

ЖАМШИДОВ Аҳмаджон – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган

ЖОНИБЕКОВ Жумакал – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 15 йилга сургун қилинган.

ЖОНИБЕКОВ Сотволди – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Сибирга сургун қилинган.

ЖОНКИШЕВ Абдуқодир (Аҳмад Пансат) – 1854 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ЖОНҚЎЗИЕВ Ғозибек – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ЖОНҚЎЗИЕВ Қурбонқул – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ЖОНҚЎЗИЕВ Тойтабий – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ЖОНУЗОҚОВ Маймил – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.



ЖУМАҚУЛОВ Мадали – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 8 йилга сургун қилинган.

ЖЎНЛИБОЕВ Алибек – 1876 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1898 йил 7 йилга сургун қилинган.

З

ЗАИБХЎЖАЕВ Ахмадхўжа – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

ЗАКИРАКАЕВ Муҳаммаджон – 1886 йил Марғилон уезди Ёзёвон волости Шаҳартепа қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЗИЁЕВ Абдураззоқ – Қўқон шаҳрида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган.

ЗОКИРХЎЖА – Қўқон шаҳрида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган.

И

ИБРАГИМОВ Ишмуҳаммад – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 8 йилга сургун қилинган.


ИБРАГИМОВ Йўлчи – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ИНОҒОМХЎЖАЕВ Пўлатхўжа – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ИНОЯТХОН Искандархон Тўра ўғли – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

ИРЕМҚУЛОВ Хайдарқул – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИРБАНЧИЕВ Турсунқул – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



ИРИСОВ Аликул – 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИРНАЗАРОВ Китназар – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИСАЕВ Қорабош – 1898 йил Андижон кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ИСАМУҲАММЕДОВ Мирқосим – 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Осиб ўлдиришга ҳукм қилинган.

ИСЛОМОВ Сотволди – 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИСЛОМОВ Усмон – 1880 йилда Тошлоқ тумани Яккатут қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИСМАНДИЁРОВ Қосим – 1898 йил Андижон кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ИСМАНДИЁРОВ Содик мулла – 1898 йил Андижон кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ИСМОИЛБОВ Дўстбой – Аввал волости Лангар қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИСМОИЛОВ Барчик – 1879 йилда туғилган. 1898 йил Андижон кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

ИСМОИЛОВ Салмон – 1868 йилда туғилган. 1898 йил Андижон кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

ИСРОИЛОВ Мирза Раим – Ёишман қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИСРОИЛСЎФИЕВ Акбар Али – 1981 йилда Ёзёвон тумани Шаҳартепа қишлоғи туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



ИСТАМБЕКОВ Қулдошбой – 1876 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

ИСХОҚ Тахтаган – 1890 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

Й

ЙЎЛДОШ Жаҳон ўғли – 1882 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

ЙЎЛДОШБОВ Мирза Ҳамдам – Қўқон шаҳрида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган.

К

КЕЛДИЕВ Давлат Муллатоға – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

КЕЛДИМУРОВО Қилич Турди – Қўқон уезди Бешариқ волостида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 12 йилга сургун қилинган.


КАМОЛБОВ Юлдашбой – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

КАМОЛОВ Ғулом – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Осиб ўлдиришга ҳукм қилинган.

КАРИМҚУЛБОВ Ортиқбой – Қўқон шаҳар Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

КАРИМҚУЛОВ Абдуқайом – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

КАРИМОВ Охун мулла Муҳаммад – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.



КАРИМОВ Содиқ – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

КАТТАБЕКОВ Атабек – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 5 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

КАТТАБОЕВ Турсунбой – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолон иштирокчиси. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

КАШИМКУЛОВ Аулбек – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган

КЎКИБОЕВ Ҳожи Махкамбой – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

КУЛИБОЕВ Умирбой – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

КЎЧКИНБОЕВ Маматқул – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

Л

ЛЎЛИБЕКОВ Тошқул – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 15 йилга сургун қилинган.

М

МАВЛОНҚУЛОВ Абдиқул – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАДАЗИМ УСТА Олимбой ўғли – 1867 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

МАДАЛИЕВ Тожибой – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.



МАДАЛИБОВЕВ Машокир хўжа – 1854 йилда Қўқон уезди Риштон волости Риштон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолон қатнашчиси сифатида айбланган. Озодликдан мархум қилинган.

Мадалиев Усмодиёр – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАДАЛИМБОВЕВ Шокирхожи – Қўқон уезди Риштон волости Риштон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАДАМИНБОВЕВ Умарбой – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАДАМИНБОВЕВ Хасанбой – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАДАМИНОВ Исмоил – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.


МАДАМИРОВ Нусупали – 1898 йил меҳнат Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

МАДКАРИМ – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАДКАРИМБОВЕВ Болтабой – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАДКАРИМБОВЕВ Узакбой – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАДКАРИМОВ Эшонқул – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



МАДҚОСИМОВ Мадқози – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАДҚОСИМОВ Тўхтасин – Айимча Ариқ қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАДМУСАБОЕВ Хасанбой – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАДОЛИМОВ Сатибой – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАДРАИМҚОРИЕВ Муҳаммад Расул Қори – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАКАШЕВ Мамакс – 1872 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

МАКАШЕВ Одил – 1863 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

МАҚСУМОВ Нурмуҳаммад Раҳматулла – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

МАҚСУМҲОЖИЕВ Хомидҳож – 1865 йилда Марғилон уезди Ёзёвон волости Шаҳартепа қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАМАДАЗИЗОВ Абдуазиз – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАМАДИЕВ Мадвали – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



МАМАДИБОВ Абдурахмон – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАМАДИВАТОВ мулла Галча – 1898 йилда туғилган. Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 4 йилга сургун қилинган.

МАМАЖОНОВ Абдурахмон – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

МАМАЖОНОВ Ахмадали – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАМАЗОКИРОВ Муҳаммадзоҳид – 1862 йилда Марғилон уезди Ёзёвон волости Шаҳартепа қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАМАРАСУЛАЛИЕВ Шермат – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАМАСАБИРОВ Жабборкул – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.


МАМАСАДИҚОВ Абдуқосим – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАМАСОДИҚОВ Нурмат – туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

МАМАТКУЛОВ Нишонбой – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАМАТҚУЛОВ Абдукарим – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 12 йилга сургун қилинган.

МАМАТҚУЛОВ Юлдашбой – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



МАМАХОЖИЕВ Хамдам – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 2 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАМАЮСУФОВ Каровай – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАНАЗАРОВ Мазия – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАРАЗИҚОВ Холмат – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАРАИМБОЕВ Кимжибой – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАРАСУЛЕВ Соибназар – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолон қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАРАСУЛОВ Максуд – Файзиобод эшангузар қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолон қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАРАСУЛОВ Унурбой – Қумтепа қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАСАДИКОВ Абдувоҳид – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАСАДИРҲОЖИЕВ Қодиржон – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАСАЙТОВ Максуд Али – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолон иштирокчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



МАСОЛИЕВ Умурзақ – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТАКИМОВ Мазокир – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАТИЕВ Мавлон – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 15 йилга сургун қилинган.

МАТҚОСИМ Сўфибой ўғли – 1856 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

МАТМУСАЕВ Сулаймон – 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

МАТМУСАБОВЕВ Камолжон – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.


МАХЗУМ ИСХАКАЛИЕВ Абдулатиф – 1873 йилда Марғилон уезди Ёзёвон волости Шаҳартепа қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАХМАДАЛИЕВ Ахмад Али – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАХСУМОВ Абдусоли Абдураиммахсум – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 2 йил 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАХСУМОВ АБДУҲОШИМ Муҳаммад Исмоил – 1874 йилда Марғилон уезди Ёзёвон волости Шаҳартепа қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАҲМУДОВ Обид чатоқ – Қўқон шаҳрида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айблаган.



МАШАКИРОВ Закир – Кўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МАШАРИПОВ Сутибой – Кўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИДАМИНБОВЕВ Нишонбой – Кўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИРАХМАТОВ Мир Ахмад – Кўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолон қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИРБАДАЛБОВЕВ Мирсадиқ – Кўқон уезди Риштон волости Риштон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИРБАДАЛОВ Масадик – 1867 йилда Кўқон уезди Риштон волости Риштон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИРЗААЛИБОВЕВ Жўрабача – 1890 йилда Марғилон уезди Ёзёвон волости Шаҳартепа қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолон қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИРЗАБАДАЛБОВЕВ мулла Баба Саидхўжа – 1871 йилда Кўқон уезди Риштон волости Риштон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИРЗАБОВЕВ Нурмат – Кўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИРЗАБОВЕВ Отажон – 1874 йилда Марғилон уезди Тошлоқ волости Яккатут қишлоғида туғилган. 1916 йил кўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



МИРЗАБОЕВ Усмон – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИРЗАБОБОВ Турсун – Марғилон шаҳар Журмон маҳалласида туғилган. 1916 йилда қўзғолон қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИРЗАКАМОЛОВ мулла Алимкул – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

МИРЗАОҚСОҚОЛОВ Ўтамбой – 1840 йилда Марғилон уезди Тошлоқ волости Яккатут қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИРЗАХАМДАМ Мирзакалом – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИРЗАХОДЖАЕВ Акрамхўжа – 1878 йилда Марғилон уезди Тошлоқ волости Яккатут қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.


МИРЗОЛИМОВ Исмоил – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 2 йил 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИРҚУРБОНОВ Усмон – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИРОДИЛОВ Бобобек Девон – 1856 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 7 йилга сургун қилинган.

МИРСАИДОВ Ортиқбой – 1867 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

МИРТОУТ Тошмат – Қўқон уезди Катта Ганжиравон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



МУЛЛА ҚУЛМАТ Ортиқбой ўғли – 1885 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

МУЛЛА ОТАЛИҚОВ Исхак Али – 1857 йилда Марғилон уезди Ёзёвон волости Шаҳартепа қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МУЛЛА ОХУНБОБОВЕВ Муҳаммадқобил – 1871 йилда Марғилон уезди Ёзёвон волости Шаҳартепа қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 1 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МУЛЛА СОДИҚ мулла Саид ўғли – 1864 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

МУЛЛА ШОКИР мулла Абдуғаффор ўғли – 1869 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.

МУЛЛАБОВЕВ уста Дадажон – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МУЛЛАБОВОХОДЖИЕВ мулла Асқар Хожи – Қўқон уезди Риштон волости Риштон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МУЛЛАБОВОХЎЖАЕВ Акбар хўжа – 1873 йилда Қўқон уезди Риштон волости Риштон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МУЛЛАБОВОХЎЖАЕВ мулла Асрорхўжа – 1870 йилда Қўқон уезди Риштон волости Риштон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолон қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МУЛЛАБОВОХЎЖАЕВ мулла Ахмадали – 1880 йилда Қўқон уезди Риштон волости Риштон қишлоғида туғилган. 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МУЛЛАБОЙ Абдураим Сўфи ўғли – 1853 йилда туғилган. 1898 йил Андижон қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 20 йилга сургун қилинган.



МУЛЛАҚУРБОНБЕКОВ Аҳмадбек – 1916 йил қўзғолони қатнашчиси сифатида айбланган. 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

